

Шохи гардун, шохи мулук, ба номи якка худо.
Согиндим манки чунун, эй, расули Мустафо.

Дедим салом, саловатлар, бехисоб бўлсин буткул,
Ёлворурмен, бу хатимга бўлмайсайди бепарво.

Тун ила тонг ороси, тебранди саркаш калам,
Бу муҳаббат рисоласи, этди ўзимдин жудо.

Маст бўлдим сийратида, гулшанида сайр килиб,
Кўриб гулшанда минг шода, шодада гунча хумро.

Нур каби келди оламга, ва ҳакки нур эрди у,
Нурафшон бўлди олам, мукаррам уммул куро.

Исмида сир бормикан, ёки нусратдир аник.
Хар ерда бўлгай голиб, Мухаммад расуулло.

Жисми нейдан яралмишки, топмадим таърифга сўз,
Нахот шу бўйю бастда топилса зарра фано.

Хуш сурати бунчалар, чизилмиш кадъу дакик,
Кўз кўрмаган балогатни, яратганга тасанно.

Кўр бўлса керак кўзим, тушса анга баногох,
Ва лекин кўрмок уни, хар лахзада таманно.

Бир лахза кўрсам эди, махбубимнинг жамолин,
Тану жоним не бўлибди, бутун коинот фидо.

Балогат килдинг деманг, унинг васфида зарра,
Юсуф унут бўларди, кўргандами Зулайхо.

Сочларининг ништари, санчилсин кўксим узра,
Бир дона толасига, арзимас бутун дунё.

Кошдаги ўрогига, таклид килибдурки ой,
Йиглайди шому сахар, бу кошни деб, нигоро.

Кўзига тушган кўзни, меҳирга гарк килибди,
Ким бокибди бу кўзга, бўлибди унга шайдо.

Юзи гул яногида, балкигай бунча чирой,
Бунчалар гул чиройи, бўлмаган хали пайдо.

Лаби кавзаро доми, гунча хижолат ўлмуш,
Бир гулки, анча орзу, орзусидаки раъно.

Асал тилини меҳридин, қулогингда бол ўйнагай,
Ох, мен бу тили шакарни, ишкида бўлдим гадо.

Бир бора кулишига, бехисоб кўнгуллар шай,
Ним табассум килур чаман, чаман излаб ман адо.

Мушки анбар тарапсаки, маст килиб бўйларидин,
Бу мушкка мен бўлгум гарик, бўлгум унга мубтало.

Ох кўксига тилло суви, хам замзамнинг жилгаси,
Кўксига кўйсайдим бош, бирлашиб танга гўё.

Кўллари парми бунча, юзум тутким келоди,
Гар кўйса бошим узра, бўларди манга шифо.

Кадамидин чечак унмуш, обод ўлмиш бу замин,
Ўпким келур изларини, юз кўзимга тўтиё.

Ишк бурулмиш ул тамон, қўрмас кўз хеч ўзгани,
Билган борки васфини, бўлур аник махлиё.

Кел эй ишким ибтидоси, махбубим, кўзим нури,
Умрум мазмунига айлан, йўкса бўлур имтиҳо.

Мен гарибни кўнглини, шод этгил эй хусни хулк,
Нетай, ўзга кўзларимга, кўринмаса мутлако.

Бу каламни тани ўлди, вале сиёҳ ўлдим демас,
Ки танимда бордур бу жон, кўурурсен ундан вафо.

Тушларимда кўрсам сени, келсанг саломинг бирла,
Кўнглим тўлурки бешак, бўлиб айни муддао.

Ташриф эт кўнгул уйумга, хорингни азиз айлаб,
Шарафи кудумингдан, нур чўмсин кулбам аро.

Васфингда ожиз бўлдиму, ожиз бўлмушлар ҳаргиз,
Шафоатдин бор умид, махшари рўзи жазо.

Йўлингга кўз тутди буқун, ўлиб шодон муктадий,
Изингдан боргум мудом, килиб санга иктидо.

Музаффар Мухаммадзода Муктадий